

## Фарғона шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Р.Холиқназаров бир томондан, кейинги ўринларда «Лойихачи» деб юритиладиган “QURUVCHI-ME'MOR SERVIS” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Меликўзинев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукукий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01-16) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид карорларига асосан лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

2022 йил “17” ноябрь

### 1.Шартнома мавзуси

1.1.Лойихачи мазкур шартнома шартларига асосан “Бешариқ тумани Янги Рапқон МФЙ Обод, Гулзор, Мустақиллик, Истиқлол, Маърифат, Зиё, Юқори кўчаларини ичимлик суви билан таъминлаш” объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чикиш» объекти учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш (калит остида топшириш) ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг шахарсозлик ҳужжатларига мувофиқлигига доир муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия Бошқармаси томонидан объекtnинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 йил «14» ноябрь кунги танлов хайъатининг № 180452- сонли электрон баёнига асосан жорий нархларда **19 470 000 (Ўн тўқиз миллион тўрт юз етмиш минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “20” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ ” да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Лойихачи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3.Лойихачининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва тегишли ҳужжатларга асосланиб бажаради.

3.2. Лойиха қидирав ишларида (топосёмкада) барча ер ости мухандислик тармоқларини кўрсатади, ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатларини тегишли (гидрогеология, геология, электросет, энергонадзорат, СЭОМ, МЧС, автомобил йўллар бошқармаси, газ, экология) барча ташкилотлар билан келишган ҳолда хулоса олади, қурилиш монтаж ишлари якунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ҳамда ишлаб чиқилган лойиха-смета ҳужжатларини “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишади ва Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлиқ топширади;

3.3. Буюртмачининг руҳсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

3.4. Лойихачи лойиха-смета ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК дан экспертизадан ўтказади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Лойихачига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Лойихачи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## **5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Лойихачига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади,

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия Бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## **6. Ишларни бажариш**

6.1. Лойихачи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета хужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Лойихачи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Лойихачи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш Бошқармаси ҳузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги ПҚ-3550-сонли карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликкни кискартириш Бошқармаси ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Лойихачи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 3 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Лойихачи ушбу накладной асосида счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласди. Лойиҳанинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниклагандан кейин 10 кун муддатда Лойихачини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қиласди. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласди.

## **8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

## **9. Кафолатлар**

9.1. Лойихачи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлади;

## **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Лойихачига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Лойихачи тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан кўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Лойихачи лойиҳа-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб

чикиши ва шунга мувофик зарур кўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиха ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Лойихачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қilmайдi.

10.4. Лойихачи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объекти шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлик муаммоли холат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу холат билан боғлик заар тўлигича Лойихачидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Лойихачини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қilmайдi.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Лойихачидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хуқукига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қilmайдi.

10.8. Буюртмачи бюджетдан маблағ олувчи ташкилот хисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия Бошқармаси томонидан объекtnинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай колса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли кисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;
- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;
- томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этганилиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат килиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июля кадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чикиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Лойихачи ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чикиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш Бошқармаси ҳузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чикилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хulosса берилмаган тақдирида.

13.3. Лойихачи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга кадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

### 15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Лойихачи”

<p>“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари курилиши бўйича инжиниеринг компанияси” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси</p> <p>Манзил: Фарғона ш. Б.Марғононий 143-үй</p> <p>Тел.: 0-373-244-72-04</p> <p>СТИР: 305 987 080 ОКОНХ 42210</p> <p>ШХР: 301821860304017063201110034</p> <p>Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар</p> <p>Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМУТАДИД)</p> <p>ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010 МФО:00014</p> <p>СТИР: 201 122 919</p> <p>Рахбар/ Р.Холиқназаров</p> <p>М.ў</p>	<p>“QURUVCHI-ME'MOR SERVIS” МЧЖ</p> <p>Адрес: Қўкон шаҳар Тўққизбулоқ 12-үй</p> <p>Х/Р.: 2020 8000 8005 8164 6001</p> <p>АТ Алоқа банк Кукон фил</p> <p>МФО: 00401</p> <p>СТИР: 303769550</p> <p>ОКОНХ:66000</p>
---	--



Хуқукий хulosса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хујжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

юрист

А.Нишонов